



## БҮЮРТМАЧИ:

**“Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ**

**2022 йил давомида Наманган ЙҚТ МЧЖ нинг йўл-  
куриш обьектлари учун йўлбоп битум эмулсия (битум  
нархисиз, давалческий)си сотиб олиш учун**

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Туракургон т.-2022 й.

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ№684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 2022 йил июнь ойи давомида Наманган ЙҚТ МЧЖ нинг йўл-куриш обьектлари учун йўлбоп битум эмулсияси (битум нархисиз, давалческий) етказиб бериш учун.
- 1.2. Танлов обьектини тахминий қиймати – **13 000 000,0 (ун уч миллион) сўм ҚҚСни хисобга олган холда**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан Хизмат кўрсатувчи билан шартнома тузилади.

- 1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб, 31.12.2022 йилгача.
- 1.4 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### II. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Октош шахарчаси, Осойишта кўчаси 70 уй

Эл.адрес: [mbabdullaev@inbox.uz](mailto:mbabdullaev@inbox.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ биносида “Буюртмачи”нинг Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, саноат ва ишлаб чиқариш обектларида хизмат кўрсатишига рухсатномаси (агар талаб этилса) бор, ҳамда банкротлик холатида булмаган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- Ишлаб чиқарувчи молиявий кўрсаткичлари барқарор бўлиши, ишлаб чиқариб берилган махсулотга, мувофиқлик сертификатига эга бўлиши;
- Талабномага асосан белгиланган вақтда белгиланган микдорда махсулотни ишлаб чиқариб бериши шарт (кафолат хати);
- Ишлаб чиқарувчи Давлат солик рўйхатидан ўтган юридик шахс (гувохнома) бўлиши ва банкротлик холатида булмаган юридик шахс (кафолат хати) бўлиши керак..

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:



қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **IV.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИУЧУН АЛОХИДА ТАЛАБЛАР**

4.1. Танловда саноат ва ишлаб чикариш обектларида ишлаган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

